# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 7 июль, № 136 (8759) Якшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИК РУҲИДАН КУЧ ОЛАЁТГАН АЛОҚАЛАР СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 июль куни Шуша шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг «Транспорт, ўзаро боғлиқлик ва иқлим ҳаракати орқали барқарор келажакни бунёд этиш» шиори остидаги норасмий саммитида иштирок этди.**




Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркия вице-президенти Жавдат Йилмаз, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, шунингдек, Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби Кубаничбек Омуралиев ва ТДТ Оқсоқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдирим ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг ҳолати ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди, амалий шерикликнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ушбу учрашув туркий дунёнинг маданият пойтахтларидан бири бўлган Шуша шаҳрида ўтказилаётганида чуқур маъно мужассамлигини таъкидлаб, Президент Илҳом Алиев раҳбарлигида Қорабоғда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини юксак баҳолади.

Ўтган қисқа даврда Туркий давлатлар ташкилоти доирасида 30 дан ортиқ муҳим йўналишларда ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

— Ушбу саммитимиз глобал хавф ва хатарлар ортиб, ўзаро ишонч инқирози тобора кучайиб бораётган бир шароитда ўтмоқда. Бундай мураккаб вазиятда азалий қардошлик руҳидан куч олаётган алоқаларимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни, умумий ёндашувларни ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда, — деди Ўзбекистон Президенти.

Туркий давлатлар ўртасида кўп томонлама ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон етакчиси қатор устувор масалаларга эътибор қаратди.

Ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо ҳажми барқарор ўсаётгани ва ўтган йилда 27 фоизга ошгани мамнуният билан қайд этилди. Бундай юқори ўсиш суръатлари жорий йилда ҳам кузатилмоқда.

— Мамлакатларимиз бугунги кунда дунёнинг асосий бозорларига чиқиш ҳамда Буюк Ипак йўлини янги тарихий шароитда қайта тиклаш учун қаттиқ бел боғлаган, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлангани, рақамли тизимлар ишга туширилгани натижасида Транскаспий халқаро транспорт йўлаги орқали юк ташиш ҳажми муттасил ўсиб бораётгани таъкидланди.

Бизнес учун энг маъқул тарифларни жорий этиш ушбу йўлакнинг рақобатдошлиги ва жозибадорлигини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, "Ягона ойна" тизимини йўлга қўйиш, божхона-чегара ўтказиш пунктларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти яқинда Тошкентда ташкил этилган Туркий давлатлар логистика марказлари ва юк ташувчилари альянсини ТДТнинг транспорт соҳасидаги кун тартибини шакллантириш ва устувор вазифаларини амалга оширишга кенг жалб этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатиб ўтди.

Ташкилот доирасида Темир йўл маъмуриятлари кенгашини тузиш ва унинг дирекциясини Тошкент шаҳрида жойлаштириш ташаббуси илгари сурилди.

Жорий йил кузда бўладиган навбатдаги саммитга қадар халқаро коридорлар имкониятларидан янада унумли фойдаланиш ва автоташувларни тўлиқ рақамлаштириш, "яшил" йўлаклар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича савдо ва транспорт вазирларига топшириқ бериш таклиф этилди.

Мамлакатимиз етакчиси иқлим ўзгаришига қарши биргаликда курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш учун Туркий экология кенгашини тузиш ва унинг бош қароргоҳини экологик офатдан энг кўп зарар кўрган ҳудуд — Оролбўйидаги йирик шаҳар Нукусда жойлаштириш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари туркий дунё бугунги кунда иқлим бўйича халқаро ҳамкорликда ўзининг баланд овозига эга бўлиб бораётганини таъкидлади.

Шу маънода, жорий йилнинг ноябрь ойида Бокуда ўтказиладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим саммити (COP–29) ТДТ мамлакатлари учун улкан тарихий воқеа бўлишига ишонч билдирилди.

Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш аҳамияти ҳақида сўз юритар экан, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия қувватларининг энергетика балансидаги улушини 40 фоизга етказишни мақсад қилганини маълум қилди.

Хусусан, хорижий шериклар билан бирга йилига 2 гигаватт қувватдаги янги шамол ва қуёш электр станциялари ишга туширилмоқда.

— Қўшни Қирғизистонда гидроэлектростанцияларни Қозоғистон билан биргаликда қуриш ишларини ҳам бошлаяпмиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида "Яшил энергетика сари туркий ҳаракат" концепциясини қабул қилиш таклиф этилди.

➔ 2

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Тадбирни юксак даражада ташкил этаётгани учун Озарбайжон Республикаси Президенти, ҳурматли Илҳом Ҳайдарович Алиев Жаноби Олийлари номига айтилган самимий миннатдорлик сўзларига тўлиқ қўшиламан.

Ҳурматли Президент Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаев Жаноби Олийларига Қозоғистоннинг Ташкилотимизга самарали раислик қилаётгани учун алоҳида ташаккур айтмоқчиман.

Сизлар билан туркий дунёнинг маданият пойтахтларидан бири бўлган Шуша шаҳрида кўришиб турганимизда чуқур маъно мужассам. Гўзал Қорабоғнинг дурдонаси ҳисобланган бу муқаддас шаҳар Озарбайжон халқининг сўнмас жасорати, тенгсиз матонати, чин мардлик ва бирдамлигини яққол намоён этган тарихий ғалабанинг ёрқин тимсолидир.

XX асрнинг буюк сиёсат ва жамоат арбоби, мустақил Озарбайжон давлатининг асосчиси, муҳтарам Ҳайдар Алиев таъбири билан айтадиган бўлсак, "Шушасиз — Қорабоғ, Қорабоғсиз Озарбайжон бўлмайди".

Дарҳақиқат, ушбу бетакрор шаҳар, нафақат Озарбайжон, балки барча туркий халқлар қалбида алоҳида эҳтиром ва фахрифтихор туйғуларини уйғотиб келмоқда.

Бугунги кунда тарихий адолат қарор топган ва яна Озарбайжон бағрига қайтган Қорабоғда ҳурматли Илҳом Ҳайдарович раҳбарлигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларига, меъморий обидалар ва маданий ёдгорликларни қайта тиклаш борасидаги мислсиз жонбозликка кеча бевосита гувоҳ бўлдик. Сиз, азиз қардошимизнинг бундай эзгу ишларингиз яқин дўстлар сифатида барчамизга, албатта, чексиз қувонч ва ғурур бағишлайди. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз ва алоҳида эътиборимиз билан ушбу бебаҳо шаҳар тимсолида бутун Қорабоғ келгусида абадий дўстлигимизнинг чинакам рамзига айланишига ишонаман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Биз бундан беш йил муқаддам айнан Озарбайжон заминида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлиб кирган эдик. Ўтган қисқа даврда 30 дан ортиқ муҳим йўналишларда ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйдик.

Ушбу саммитимиз глобал хавф ва хатарлар ортиб, ўзаро ишонч инқирози тобора кучайиб бораётган бир шароитда ўтмоқда. Бундай мураккаб вазиятда азалий қардошлик руҳидан куч олаётган алоқаларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришни, умумий ёндашувларни ишлаб чиқишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу маънода, бугунги йиғилишимиз "Транспорт, ўзаро боғлиқлик ва иқлим ҳаракати орқали барқарор келажакни бунёд этиш" шиори остида ўтаётгани долзарб аҳамиятга эга.

Қуйидаги устувор масалаларга диққатингизни қаратмоқчиман.

**Савдо ва транспорт йўлларини ривожлантириш.**

Ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо ҳажми барқарор ўсмоқда.

Ўтган йил якунларига кўра умумий ўзаро товар айланмамиз ҳажми 27 фоизга ошди. Бундай юқори ўсиш суръатлари жорий йилда ҳам кузатилмоқда. Уни бардавом сақлаб қолишдан манфаатдормиз.

Мамлакатларимиз бугунги кунда дунёнинг асосий бозорларига чиқиш ҳамда Буюк Ипак йўлини янги тарихий шароитда қайта тиклаш учун қаттиқ бел боғлаган.

Албатта, сўнгги йилларда Ташкилот доирасида бу соҳадаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда, рақамли тизимлар ишга туширилмоқда. Натижада Транскаспий халқаро транспорт йўлаги орқали юк ташиш ҳажми муттасил ўсиб бормоқда. Бизнес учун энг маъқул тарифларни жорий этиш ушбу йўлакнинг рақобатдошлиги ва жозибадорлигини кескин ошириши шубҳасиз.

Биз "Ягона ойна" тизими йўлга қўйилишидан, божхона-чегара ўтказиш пунктларининг узлуксиз ишлаши таъминланишидан манфаатдормиз.

Ўтган ҳафта Тошкентда ташкил этилган Туркий давлатлар логистика марказлари ва юк ташувчилари альянсини Ташкилотимизнинг транспорт соҳасидаги кун тартибини шакллантириш ва устувор вазифаларини амалга оширишда кенг жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Ташкилотимиз доирасида Темир йўл маъмуриятлари кенгашини тузиш ва унинг дирекциясини Тошкент шаҳрида жойлаштириш ҳақидаги таклифимизни маъқуллайсизлар, деб ишонаман.

Топшириқ берсак, навбатдаги саммитимизга қадар савдо ва транспорт вазирларимиз халқаро коридорлар имкониятларидан янада унумли фойдаланиш ва автоташувларни тўлиқ рақамлаштириш, "яшил" йўлаклар яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқади.

**Иқлим ўзгаришларига қарши биргаликда курашиш.**

Ташкилотимиз ҳудуди иқлим ўзгаришидан энг кўп зарар кўраётган минтақалардан бири, десак, бу айни ҳақиқатдир.

Мавжуд муаммоларни тизимли ҳал этиш учун бизнинг ташаббусимиз асосида вазирлар даражасида Туркий экология кенгашини тузиш таклифини маъқуллайсизлар, деб ишонаман. Мазкур тузилма қароргоҳини экологик офатдан энг кўп зарар кўрган ҳудуд — Оролбўйидаги йирик шаҳар Нукусда жойлаштириш айни муддао бўлар эди.

Шу ўринда туркий дунё бугунги кунда иқлим бўйича халқаро ҳамкорликда ўзининг юксак ўрни ва баланд овозига эга бўлиб бораётганини алоҳида ғурур билан таъкидламоқчиман.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Бокуда ўтказиладиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг XXIX Иқлим саммити (COP — 29) барча мамлакатларимиз учун улкан тарихий воқеа бўлади.

Иқлим ўзгаришлари бўйича дунё етакчилари саммити муваффақиятли ўтишига чин дилдан тилакдошмиз. Биз мазкур нуфузли анжуманда фаол иштирок этишга ва бу борада Озарбайжонга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёрмиз.

**Муқобил энергетика.**

Биз 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия қувватларини кескин ошириш ва энергетика балансида уларнинг улушини 40 фоизга етказишни мақсад қилганмиз.

Шерикларимиз билан бирга йилига 2 гигаватт қувватдаги янги шамол ва қуёш электр станцияларини ишга туширмоқдамиз. Ушбу лойиҳалар давлат-хусусий шериклик тамойили асосида, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Қўшни Қирғизистонда гидроэлектростанцияларни Қозоғистон билан биргаликда қуриш ишларини ҳам бошлаяпмиз.

Муқобил энергетика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида "Яшил энергетика сари туркий ҳаракат" концепциясини қабул қилишнинг вақти-соати келди, деб ўйлайман.

Туркий дунё халқлари ўз тараққиётининг турли даврларида умумбашарий цивилизация ривожига мислсиз ҳисса қўшганлар.

Номларини жаҳон аҳли яхши биладиган улуғ аллома ва уламоларимиз иккита буюк Ренессансга асос солишган. Бу азал-азалдан халқларимиз ҳаётида инсон капитали нақадар юқори бўлганидан дарак беради.

Биз замонавий "билимлар иқтисодиёти"ни қуриш, креатив иқтисодиётни ривожлантириш учун рақамли технологиялар, блок-чейн, булутли, квант ҳисоблаш технологиялари, робототехника, "тўртинчи саноат" кадрларини тайёрлаш соҳаларида ҳамкорликни кучайтиришдан манфаатдормиз. Бунинг учун Туркий давлатлар ташкилотининг Инсон капиталини ривожлантириш илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш бўйича ташаббусни илгари сурамиз ва уни юртимизда жойлаштиришга тайёрмиз.

Ташкилот шафелигида аниқ фанлар бўйича Ёшлар туркий олимпиадаси ва Бутунжаҳон туркшунослар конгрессини ташкил этишни ҳамда уларни келгуси йили Ўзбекистонда ўтказишни таклиф этамиз.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Тўққиз ойдан буён Ғазо секторида кечаётган қонли уруш оқибатлари бизни чуқур қайғу ва изтиробга солмоқда. Тўқнашувлар 40 мингга яқин аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар ҳаётига зомин бўлганини ҳеч бир сабаб ва баҳона билан оқлаб бўлмайди.

Биз зўравонликларни зудлик билан тўхтатишга, тинчлик жараёнларини тезроқ бошлашга чақирамиз.

Мустақил ва озод Фаластин давлатининг ташкил этилиши Яқин Шарқда стратегик барқарорлик ва тинчликни таъминлашнинг энг асосий шартидир.

**Яна бир муҳим масала.**

Минг афсуски, жаҳоннинг бошқа минтақаларида уруш ва можаролар кучайиб бораётгани оқибатида ён қўшнимиз бўлган ва кўп миллионли туркий халқлар истиқомат қилаётган Афғонистондаги вазият халқаро ҳамжамият эътиборидан четда қолиб кетмоқда.

Ўзбекистон афғон халқига зарур ёрдам кўрсатишни бундан буён ҳам давом эттиради.

Афғонистоннинг хориждаги "музлатилган" молиявий активларини қайтариш мамлакатдаги ижтимоий вазиятни юмшатишга хизмат қилишига ишонамиз.

Янги воқелик шароитида Афғонистон масаласи бўйича Ташкилотимиз аъзоларининг умумий ва якдил ёндашувларини ишлаб чиқиш масалалари ташқи ишлар вазирларимиз мулоқотларида асосий муҳокама мавзуси бўлиши лозим.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун илгари сурилган барча таклиф ва ташаббуслар "Туркий нигоҳ — 2040" концепцияси ҳамда Самарқанд шаҳрида қабул қилинган Туркий давлатлар ташкилотининг беш йиллик стратегияси мазмунига мос ва уйғундир.

Анжуман кун тартибига киритилган Қорабоғ декларациясининг имзоланишини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

# АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИК РУҲИДАН КУЧ ОЛАЁТГАН АЛОҚАЛАР СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

1

Давлатимиз раҳбари туркий дунё умумбашарий цивилизация ривожига мислсиз ҳисса қўшганини таъкидлади.

— Номларини жаҳон аҳли яхши биладиган улуғ аллома ва уламоларимиз иккита буюк Ренессансга асос солишган. Бу азал-азалдан халқларимиз ҳаётида инсон капитали нақадар юқори бўлганидан дарак беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан замонавий “билимлар иқтисодиёти”ни қуриш, креатив иқтисодиётни ривожлантириш учун рақамли технологиялар, блок-чейн, булутли, квант ҳисоблаш технологиялари, робототехника, “тўртинчи саноат” кадрларини тайёрлаш соҳаларида ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Бунинг учун Туркий давлатлар ташкилотининг Инсон капиталини ривожлантириш илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Шунингдек, Президентимиз ташкилот шафелигида аниқ фанлар бўйича Ёшлар туркий олимпиадаси ва Бутунжаҳон туркшунослар конгрессини келгуси йили Ўзбекистонда ўтказишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари йиғилганлар эътиборини Ғазо секторида мураккаб вазият юзага келиб, қонли уруш 40 мингга яқин аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар ҳаётига зомин бўлганига қаратди. Томонларни зўравонликларни зудлик билан тўхтатишга, тинчлик жараёнларини тезроқ бошлашга чақирди.

Мустақил ва озод Фаластин давлатининг ташкил этилиши Яқин Шарқда стратегик барқарорлик ва тинчликни таъминлашнинг энг асосий шарти экани қайд этилди.

Мамлакатимиз етакчиси кўп миллионли туркий халқлар истиқомат қилаётган Афғонистондаги вазиятга тўхталар экан, ушбу масала бўйича ташкилот аъзоларининг умумий ва якдил ёндашувларини ишлаб чиқиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон афғон халқига зарур ёрдам кўрсатишни бундан буён ҳам давом эттиради. Афғонистоннинг хориждаги “музлатилган” молиявий активларини қайтариш мамлакатдаги ижтимоий вазиятни юмшатишга хизмат қилишига ишонамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Саммит якунида Қорабоғ декларацияси ҳамда ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қатор келишувлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу куни Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити доирасида Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Венгрия кўп қиррали муносабатларининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва амалий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражаларда фаол мулоқотлар давом этмоқда. Май ойида Тошкент шаҳрида Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва бизнес форуми самарали ўтказилди.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми қарийб икки баробар ошди, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони кўпаймоқда, 30 июндан Тошкент ва Будапешт ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар тикланди.

Саноат, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, логистика, қурилиш ва бошқа йўналишларда кооперация лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Инвестиция лойиҳаларининг янги портфелини тайёрлаш ва жорий йил якунига қадар Қўқон шаҳрида Ҳудудлар форумини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Таълим, маданият ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик фаоллашди. Икки мамлакат халқларини яқинлаштиришга қаратилган маданий тадбирларни ўтказиш зарурлиги таъкидланди.

Туркий давлатлар ташкилоти ва Европа Иттифоқи доирасидаги ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжон Республикасига амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОМОНИДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН ГЛОБАЛ ТАШАББУСЛАР МАЖМУИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА БУТУН ТУРКИЙ ДУНЁ РАВНАҚИНИ ТАЪМИНЛАШГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШАДИ

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 5-6 июль кунлари Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг “Транспорт, ўзаро боғлиқлик ва иқлим ҳаракати орқали барқарор келажакни бунёд этиш” шиори остидаги норасмий саммити тадбирларида иштирок этди.*

*Давлатимиз раҳбари саммитдаги нутқида ушбу учрашув туркий дунёнинг маданият пойтахтларидан бири бўлган Шуша шаҳрида ўтказилаётганида чуқур маъно мужассамлигини таъкидлаб, Президент Илҳом Алиев раҳбарлигида Қорабоғда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини юксак баҳолади.*

## Дунё нигоҳи

Ўтган қисқа даврда Туркий давлатлар ташкилоти доирасида 30 дан ортиқ муҳим йўналишларда ўзаро манфаатли ва кенг қамровли ҳамкорлик йўлга қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Туркий давлатлар ўртасида кўп томонлама ва узоқ муддатли ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон етакчиси қатор устувор масалаларга эътибор қаратди.

Шуша шаҳрида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилоти носрасмий саммитининг натижалари чет элларнинг сиёсий, иқтисодий, ишбилармон ва эксперт-таҳлил доиралари диққат марказида бўлиб турибди.

**Антонио АЛОНСО,**
**Испаниянинг Сан-Пабло университети профессори:**



— Ўзбекистон Президентининг Шуша шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитидаги фаол иштирокини алоҳида таъкидламоқчиман. Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларига алоҳида тўхталиб, бу умумий барқарор келажак сари муҳим қадам эканини таъкидлади.

Норасмий саммит чоғида Ўзбекистон раҳбари транспорт алоқаси масалаларига алоҳида эътибор қаратди ва Транскаспий халқаро транспорт йўлагини ривожлантириш бўйича кутилаётган чора-тадбирларни таклиф қилди. Жозибадор тарифлар ва бизнес учун “Ягона ойна” тизимини жорий этиш таклифи, шубҳасиз, юк ташиш ҳажмини ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Айниқса, Ўзбекистонда Темир йўл маъмуриятлари кенгашини ва Инсон капиталини ривожлантириш илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ташаббуслари инновациялар ва “билимлар иқтисодиёти”ни ривожлантириш истагидан далолат беради.

Нукусда иқлим ўзгаришига қарши курашда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган Туркий экология кенгашини ташкил этиш таклифи ҳам муҳим ташаббус бўлди. Қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш ва уларнинг энергия мажмуасидаги улушини 2030 йилга бориб 40 фоизга оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани Ўзбекистоннинг “яшил” кун тартиби ва экологик барқарор ривожланишга интилишининг ифодасидир.

Ўзбекистон раҳбарияти томонидан билдирилаётган таклиф ва ташаббуслар мажмуи ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш ва бутун туркий дунё равнақини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшишига ишончим комил.

**Дерья СОЙСАЛ,**
**Марказий Осиё бўйича тарихчи, эксперт (Бельгия):**



— Сўнгги йилларда Туркий давлатлар ташкилоти тўлақонли халқаро тузилма сифатида шаклланди. У минтақалараро ва глобал аҳамиятга эга тинчлик ҳамда ҳамкорлик минбари бўлиб қолмай, балки жаҳон иқтисодий ўсиш марказларидан бирига айланди. Бу ўзгаришлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ушбу тузилмадаги сиёсий ва иқтисодий ўрни туфайли амалга ошмоқда.

ТДТ ҳозирда ижро этувчи органларни ва ўзаро ҳамкорликнинг турли соҳаларини шакллантирмоқда. Бу жараённинг кучайиши ва тезлашишини кузатяпмиз.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатларнинг товар айирбошлаш ҳажми 30 миллиард долларга яқинлашаётгани қувонарлидир. Шу билан бирга, томонлар ўзаро ҳам, ТДТ доирасида ҳам товар айирбошлашни ошириш бўйича улкан мақсадларни қўйган ва бунга туркий мамлакатлар ўртасидаги алоқани оширувчи транспорт лойиҳаларини ишлаб чиқиш ёрдам беради.

Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар аъзо давлатларнинг ТДТга аъзо бўлмаган мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш нуқтаи назаридан ўз вақтида илгари сурилди, деб ўйлайман.

Ушбу формат, бир томондан, турли минтақалар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамласа, иккинчи томондан, туркий дунё доирасида барқарорлик ва барқарор тараққиётни таъминлайди.

**Холид Акрам ТАЙМУР,**
**Покистоннинг «Умумий келажак жамияти» тадқиқот маркази ижрочи директори:**



— Мазкур тадбирда иштирок этиш, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотидаги муҳим ролини таъкидлайди ва минтақалараро иқтисодий интеграция ҳамда ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Саммитда савдо-иқтисодий ҳамкорлик, технологик тараққиёт, транспорт алоқаси ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, иштирокчи давлатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон етакчиси ТДТга аъзо давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликка катта аҳамият бериб, янги стратегияни, жумладан, савдо тўсиқларини бартараф этиш, электрон тижоратни ривожлантириш ва товар айирбошлаш ҳажмини оширишни тарғиб қилди.

Шуша шаҳрида бўлиб ўтган “Транспорт, ўзаро боғлиқлик ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш орқали барқарор келажакни барпо этиш” мавзусига бағишланган Туркий давлатлар ташкилоти саммити туркий халқлар ўртасидаги барқарор ривожланиш ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда Ўзбекистон етакчилигини яна бир бор тасдиқлади.

Таъкидлаш керакки, 2019 — 2023 йилларда Ўзбекистон Президенти томонидан ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган 50 дан ортиқ аниқ ташаббуслар илгари сурилди, улардан 42 таси муваффақиятли амалга оширилган, қолганлари эса якуний босқичда.

Ўзбекистоннинг ТДТга раислиги доирасида 100 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди ва якунда “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган ТДТ стратегияси” қабул қилинди. Ҳужжат “Туркий нигоҳ — 2040” концептуал дастурини амалга ошириш бўйича биринчи кенг қамровли йўл харитасини ифодалайди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилда “Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари” шиори остида Самарқандда бўлиб ўтган саммитдаги нутқида Ўзбекистоннинг истиқболли ёндашуви, умумий ривожланиш ва ўзаро боғлиқлик тарафдори эканлиги таъкидланди.

**Ал Адиб САМУРИЙ,**
**Малайзия Миллий университети қошидаги Ислом цивилизацияси институти профессори:**



— Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлганидан бери туркий давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, ташкилот фаолияти самарадорлигини ошириш борасида муҳим қадамлар қўйди.

Хусусан, бугунги кунга қадар Ўзбекистон Президенти томонидан ТДТ саммитлари доирасида илгари сурилган 40 дан ортиқ ташаббус ҳаётга татбиқ этилди, ўнлаб йирик тадбирлар ўтказилди. Расмий Тошкент билан аъзо давлатлар ўртасида турли соҳаларда, жумладан, иқтисодиёт, сиёсат, фан, таълим, маданият, транспорт, энергетика ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик фаол ривожланиб, алоқалар чуқурлашиб бормоқда.

Ташкилот доирасида қисқа вақт ичида 30 дан ортиқ асосий йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли ва кенг кўламли ҳамкорлик йўлга қўйилгани эътиборга молик. Иштирокчи мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш барқарор ўсиб бормоқда, ўтган йили бу кўрсаткич 27 фоизга ошди. Хусусан, Ўзбекистоннинг ТДТ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 2023 йил якунига кўра 10 миллиард долларни ташкил этди.

Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида бўлиб ўтган норасмий саммит ҳам Ўзбекистон раҳбари глобал хавф ва таҳдидлар ортиб бораётган бир шароитда туркий давлатлар ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг долзарб асосий устувор йўналишларини белгилаб берган ташаббусларни илгари суриш орқали узоқни кўра билишлигини яна бир бор намоён этди. Улар орасида савдо ва транспорт йўналишларини ривожлантириш, иқлим ўзгаришига қарши биргаликда курашиш, муқобил энергетикани ривожлантириш бўйича таклифлар алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ишончим комилки, ТДТнинг норасмий саммити умумий мақсадларга тезроқ эришишга хизмат қилади ва унда илгари сурилган ташаббуслар туркий дунё тараққиёти ва фаровонлиги йўлида кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги мазмун билан тўлдиради.

**О Ин КЁНГ,**
**Жанубий Кореядаги Евроосиё туркшунослик институти директори, профессор:**



— “Транспорт, ўзаро боғлиқлик ва иқлим ҳаракати орқали барқарор келажакни бунёд этиш” шиори остида ўтказилган Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммити, ҳақиқатан ҳам, кенг кўламли муҳим масалаларни қамраб олган.

Савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация ва инвестицион-молиявий соҳаларда, шунингдек, “яшил” иқтисодиёт, қайта тикланадиган энергия, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва инсон капиталини ривожлантириш соҳаларида минтақавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалалари ўрин олган кун тартиби замонавий глобал устуворликларни ўзида акс эттиради.

Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида туркий давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш учун қатор устувор масалалар муҳимлигини таъкидлади. Бу йўналишлар қаторига транспорт инфратузилмасини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни рақамлаштириш, логистика ва транспорт йўлаги ташаббуслари киради, бу эса иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш ва минтақа барқарорлигини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбари иқлим ўзгаришига қарши биргаликда курашишга эътибор қаратди. Бу эса унинг бу борадаги халқаро ташаббусларни илгари суриш ва қўллаб-қувватлашга тайёрлигини кўрсатади. Бу, шунингдек, углерод чиқиндиларини камайтириш ва иқлим ўзгаришига мослашиш бўйича глобал саъй-ҳаракатларга мос келади.

“Яшил энергетика сари туркий ҳаракат” концепциясини қабул қилиш таклифи Ўзбекистоннинг ТДТ маконида экологик тоза технологиялар ва энергетикани ривожлантиришга интилишидан далолат беради. Ушбу ташаббус барқарор ривожланишга, углеводородларга қарамликни камайтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бош қароргоҳи экологик офатдан энг кўп жабр кўрган минтақа — Оролбўйидаги йирик шаҳар Нукусда жойлашадиган Туркий экология кенгашнинг ташкил этилиши расмий Тошкентнинг экология ва табиий ресурсларни асраш соҳасидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришга интилишидан далолат.

Ташкилот шафелигида келгуси йили аниқ фанлар бўйича Ёшлар туркий олимпиадаси ва Бутунжаҳон туркшунослар конгрессини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи туркий халқлар ўртасида таълим, илм-фан ва маданий алмашинувни ривожлантириш, ТДТ ўртасида мулоқот ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Норасмий саммит туркий давлатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва муштарак масалаларни ҳал этишга тайёрлигини яна бир бор тасдиқлади. Шунингдек, бу уларнинг минтақада барқарор ривожланиш, тинчлик ва фаровонликни таъминлашга интилишидан далолат беради.

**«Дунё» АА.**

## Ташриф

# БУТУНХИТОЙ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИ ДОИМИЙ ҚЎМИТАСИ РАИСИ – САМАРҚАНДДА

*6 июль куни Хитой Халқ Республикаси Бутунхитой Халқ вакиллари кенгаши доимий қўмитаси раиси Чжао Лэцзи бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи бошланди.*

Юқори мартабали меҳмон Самарқанд халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва вилоят раҳбарлари томонидан кутиб олинди.

Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов билан учрашув чоғида давлат раҳбарларининг оқилона сиёсати ва самимий муносабатлари туфайли Ўзбекистон — Хитой муносабатлари тобора ривожланиб бораётгани қайд этилди. Бунинг натижасида минтақавий ҳамкорлик ҳам мустаҳкамланмоқда. Хусусан, айни пайтда Самарқанд вилояти Шинжон-Уйғур автоном райони, Шаньун, Шэньси, Фужиан провинциялари ва бошқа ҳудудлар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Минтақавий бизнес форумлар ўтказиш, делегациялар ташрифлари анъанавий тус олди. Айни пайтда хитойликлар билан биргаликда ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Вилоятнинг Пахтачи, Нарпай, Каттақўрғон, Пайариқ, Қўшработ туманларида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлашда Хитой тажрибасидан фойдаланилмоқда.

Чжао Лэцзи икки давлат ва ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш учун имкониятлар кенглигини қайд этиб, Бутунхитой Халқ вакиллари Кенгаши ҳамкорлик кўламини кенгайтиришини қўллаб-қувватлашини билдирди.



Бутунхитой Халқ вакиллари кенгашининг доимий қўмитаси раиси Чжао Лэцзи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов ва Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев ҳамроҳлигида Мирзо Улуғбек музей-мажмуаси, Регистон майдони билан танишди. Меҳмонга мазкур обидаларнинг яратилиш тарихи, аждодларимизнинг бунёдкорлик ишлари, илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида батафсил маълумот берилди.

Чжао Лэцзи Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Самарқанднинг дунё цивилизациясида тутган ўрнига юксак баҳо берди. Бир неча асрлик тарихий обидалар, қадимий анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш борасида айни пайтда олиб борилаётган ишларни эътироф этди.

— Тарихий обидаларда бўлиб бу замин қадимдан Марказий Осиёнинг илм-фан, маданият ва савдо-иқтисодий маркази бўлганлиги бежизга эмаслигини англадим, — деди Бутунхитой Халқ вакиллари кенгашининг доимий қўмитаси раиси Чжао Лэцзи. — Хитой — ўзбек дўстлик, ҳамкорлик алоқалари қадимдан ривожланганлиги тарихий манбаларимизда қайд этилган. Кейинги йилларда давлат раҳбарларимизнинг ташаббуслари билан ҳамкорлигимизда янги давр бошланди. Бу истиқболдаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга имкон беради.

Хитой парламенти делегациясининг ташрифи давом этмоқда.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Бахтиёр Саидов Маскат шаҳрида Ўмон ташқи ишлар вазири Саййид Бадр бин Ҳамад ал-Бусайдий билан учрашди.**

# ДАВЛАТ ХИЗМАТИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

*Шахсий манфаатлар ва касбий бурч, масъулият ёки мажбурият ўртасидаги тўқнашув туфайли ҳар доим ҳам қарорлар адолатли, мулоҳаза ва муносабатлар холис бўлавермайди. Бундай қарама-қаршиликка, мансабу лавозимидан қатъи назар, ҳар ким дуч келиши мумкин, муаммо шуниси билан янада жиддий. Бу пировардида коррупциянинг кенгайишига, таниш-билишчилик, уруғ-аймоқчилик каби иллатлар авж олишига сабаб бўлади. Бундан халқ ҳам, жамият ва давлат ҳам бирдек зарар кўриши тайин.*

*Шу боис “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган аксилкоррупциявий ислоҳотларнинг тақозоси, қолаверса, халқимизнинг талаб ва истаклари ифодаси сифатида қабул қилинди.*

## Нуқтаи назар



### Ҳуқуқий ҳужжатнинг қандай зарурати бор эди?

Тўғри, шу пайтга қадар миллий қонунчилигимизда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида тушунтириш берилган. Хусусан, илк бор 2017 йил январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги тушунча шарҳланган, аммо давлат органлари ва муассасаларида уларни амалга ошириш ва назорат қилишнинг аниқ механизмлари мавжуд эмас эди. Шунингдек, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва тартибга солиш бўйича ягона амалиётни шакллантирувчи ваколатли орган белгиланмаган, қолаверса, давлат ташкилотларида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва тартибга солишнинг самарали ҳуқуқий механизми, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас, деб топиш бўйича ҳуқуқий асослар етарли бўлмаган.

Бундан ташқари, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек, уларнинг раҳбарлари қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўлиши белгиланган бўлса-да, амалда жавобгарлик масалалари назарда тутилмаганлиги сабаб уларни жавобгар қилиш имконсиз бўлиб, бу жамоатчиликнинг ҳақли эътирозига олиб келгани ҳам бор гап. Масалан, ўтган давр мобайнида агентлигимиз томонидан ўтказилган ўрганишларда давлат хизматида минглаб манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлик ҳолатлари аниқланган. Бироқ ҳозиргача манфаатлар тўқнашувини тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси ёки унга йўл қўйганлик учун жавобгарлик белгиланмагани сабабли уларни бартараф этишда қийинчиликлар туғиларди.

Таассуфки, қонунчиликдаги шу каби бўшлиқлар манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишига замин яратиб бераётган эди. Буни айни рақамлар ҳам тасдиқлайди: 2022-2023 йилларда давлат харидлари бўйича 4,5 мингта 573 млрд. сўмлик шартномалар манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда тузилган. Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари томонидан тизим ташкилотларида 141 млрд. сўмлик 2 720 та шартнома ҳақиқатда манфаатлар тўқнашуви мавжуд ҳолатда тузилгани, 9 та шартнома 3 млрд. сўмга қиммат нархларда имзолангани аниқланган. 1,5 мингга яқин ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари ва ҳоким ёрдамчилари тадбиркорлик субъектларининг бошқарув органларида иштирок этган. Ҳатто вазирлик ва идораларнинг юқори раҳбарлик лавозимларида фаолият юритувчи шахсларда ҳам бундай ҳолатлар аниқланган.

### Аниқ механизмлар жорий қилинади

Янги қабул қилинган қонун билан “манфаатлар тўқнашуви” тушунчаси, давлат хизматчиларининг мажбуриятлари ҳамда уни тартибга солиш бўйича аниқ механизмлар белгиланди. Қонуннинг қўлланилиш доираси аниқлаштирилди, яъни давлат фуқаролик хизматининг сиёсий гуруҳига кирувчи лавозимлардан ташқари барча давлат органлари, давлат муассасалари ва унитар корхоналари, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда устав фондида давлат улуши 50 фоиз миқдорда ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятлари, шунингдек, ҳарбий лавозимлар учун қонун талаби бирдек амал қилади. Фақат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гуруҳига кирувчи лавозимга ишга қабул қилинган ҳолатларгина бундан мустасно ва бундай лавозимлар рўйхати алоҳида тасдиқланади.

Асосийси, эндиликда давлат ташкилоти фаолиятида манфаатлар тўқнашувини тартибга солишда ваколатли органлар белгиланди. Бу муҳим вазифани Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, давлат ташкилотларининг одоб-ахлоқ комиссиялари, кадрлар бўлинмалари ва коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари амалга оширади. Шунингдек, қонунда давлат ташкилоти ходимларига нисбатан манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича чекловлар, манфаатлар тўқнашувига оид талабларни бузишнинг ҳуқуқий оқибатлари, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган ҳолда қабул қилинган ва тузилган битимларни суд тартибида ҳақиқий эмас, деб топиш асослари, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланди. Аниқроқ айтганда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги қонунчилик талабларини бажармаслик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи янги модда қўшилмоқда. Коррупцияга қарши курашиш агентлигига эса манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлар, вақтида хабар бермаганларга маъмурий жавобгарлик белгилаш бўйича баённома тузиб, судга ошириш ваколати берилди.

Қонуннинг яна бир эътиборга молик томони шундаки, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилгани сабабли давлат ташкилотига молиявий-иқтисодий зарар етса, ушбу зарарни манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган инсоннинг ўзи қоплайди. Умуман олганда, қонуннинг асосий ғояси ва мақсади — жамият ва давлат манфаатлари шахсий манфаатлардан устувор эканини амалда таъминлаш.

Кўриниб турибдики, қонун ўта муҳим, ундаги деярли барча норма янги ва давлат ташкилотлари томонидан кўплаб чоралар кўрилишини талаб этади. Шу боис манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини ўз вақтида тартибга солиш ва қонун билан белгиланган превентив механизмларни давлат ташкилотларига тўлиқ жорий қилиш мақсадида “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонун ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Қарорга кўра мазкур Қонун ижросини ташкил этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича Бош вазир раислигидаги Республика идоралараро комиссияси фаолияти ташкил этилди. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Адлия вазирлиги Республика идоралараро комиссиясининг ишчи органлари этиб белгиланди.

### Ҳеч ким қонун таъсиридан четда қолмайди

Республика идоралараро комиссияси томонидан 2024 йилда амалга ошириладиган ишлар юзасидан тасдиқланган “Йўл харитаси”га асосан қонун татбиқ этиладиган давлат органлари ва ташкилотларининг аниқ рўйхати шакллантирилади. Давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилганлик ёки унга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар ўрганилиб, уларни тартибга солиш ишлари амалга оширилади.

Бунда яқин қариндошларнинг бевосита бўйсунувда ёки назорат йўналишида ишлаётгани, ходимларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги иштироки, яқин қариндоши ишлаётган объектни текширишда қатнашиши, ишдан бўшаган ходимнинг ўз иш жойида бевосита назоратида бўлган ташкилотларга ишга кириши, назоратида бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектининг акцияларига ёки устав фондидаги улушларига ёхуд уларнинг бошқарув органи аъзоси бўлиши, давлат харидларини амалга ошириш ва давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйганлик ҳолатлари эътиборга олинади.

> ***“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан биргаликда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра 31 фоиз респондентлар ўз масалалари ёки муаммоларини қонунни четлаб ўтган ҳолда ҳал этишга интилиши, 28 фоизи эса қонунлар ва ўз ҳуқуқларини яхши билмаслигини коррупциявий муносабатлар пайдо бўлишининг асосий сабаблари сифатида кўрсатган. Ёки ёшлар ўртасида ўтказилган сўровномада атиги 51 фоиз респондентларгина коррупциянинг моҳиятини тўғри тушунишини таъкидлаган.***

Дастлабки таҳлилларга кўра бу бўйича жами 27 мингдан ортиқ давлат ташкилотлари фаолияти ўрганиб чиқилиши ва уларда аниқланган манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш чоралари кўрилади. Шунингдек, давлат улуши бўлган 2 мингдан ортиқ юридик шахсларнинг давлат харидларини амалга оширишда белгиланган тартибга риоя қилинишини таъминлашга амалий кўмак берилади. Бошқача айтганда, ҳеч ким қонун таъсиридан четда қолиб кетмайди.

Манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва онлайн мониторинг қилиш имконига эга бўлиш учун “E-anticor.uz” платформасида электрон модуль ишга туширилади. Манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестри, мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги хабарнома ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациянинг намунавий шакллари тасдиқланади. Шунингдек, халқаро ва бошқа расмий тадбирларда давлат хизматчилари қабул қилган совғалар тўғрисидаги электрон реестр шакллантирилади.

Мазкур йўналишда амалга ошириладиган энг муҳим ишлардан бири, бу — манфаатлар тўқнашуви юзасидан зарур ўқитиш ва тушунтириш ишлари амалга оширилиши. Жумладан, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари, уларни бартараф этиш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқилади. Шунингдек, рўйхатдаги давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви бўйича билим ва кўникмаларини баҳолаш учун онлайн тест синовлари ўтказилади.

Шу билан бирга, мазкур Қонун кучга кирганидан сўнг ҳар чоракда агентлик ва Адлия вазирлиги томонидан давлат органлари кесимида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолатлар таҳлил қилинади ҳамда бундай ҳолатлар кўпайган давлат органларига тақдимномалар киритиб борилади. Ҳар ярим йилда Республика идоралараро комиссияси йиғилишида манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар давлат органларининг биринчи раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокама қилиниб, ҳисобдорлик таъминланади.

Яна бир муҳим жиҳат, жамоатчиликни манфаатлар тўқнашувини аниқлаш жараёнларига кенг жалб қилиш мақсадида улар учун ўқув-тренинглар ташкил этилиб, билим ва кўникмаларини ошириш бўйича услубий ва ташкилий чоралар кўрилади.

Қонун кучга киргунга қадар ва амалиётда ишлашни бошлагандан кейин унинг талаблари кенгайтирилиб, ижро механизмлари янада аниқлаштирилади. Албатта, ушбу катта ҳажмдаги ишларни самарали йўлга қўйиш осон бўлмайди: кўп вақт, машаққатли меҳнат талаб этади. Шунинг учун бу борада нафақат Республика идоралараро комиссияси аъзолари ва бошқа масъул идоралар, балки фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ОАВ, кенг жамоатчилик ҳамкорлиги ва кўмагига таянамиз.

### Чораларнинг самарадорлигини таъминловчи қарор

Бу соҳадаги амалий қадамлар ҳақида сўз кетганда, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш сиёсатини такомиллаштириш йўлида яна бир амалий ишга қўл урилганини таъкидлаш ўринли. Яъни “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилиниши бу борадаги асосий янгиликлардан биридир. Мазкур қарор аҳамияти, аудиторияси нуқтаи назаридан ниҳоятда кенг қамровли, амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш бўйича чораларнинг давомийлиги ва самарадорлигига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи ҳужжат ҳисобланади.

Гап шундаки, мамлакатимизда аҳоли ва давлат хизматчиларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, уларга “ҳалоллик вакцинаси”ни сингдириш ҳамда коррупцияга қарши билим ва кўникмаларини ошириш тизимини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда янги босқичга олиб чиқиш учун катта эҳтиёж ва зарурат юзага келмоқда. Чунки шу пайтга қадар аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини, жумладан, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ходимларининг малакасини узлуксиз ошириш тизими йўлга қўйилмаган, соҳа бўйича миллий ва халқаро асослар, хорижий тажриба, илмий-амалий ишланмалар бўйича электрон маълумотлар базаси шаклланмаган эди.

Бу каби ҳолатларнинг салбий натижалари статистик рақамларда ҳам ўз аксини топмоқда. Мисол учун, “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан биргаликда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра 31 фоиз респондентлар ўз масалалари ёки муаммоларини қонунни четлаб ўтган ҳолда ҳал этишга интилиши, 28 фоизи эса қонунлар ва ўз ҳуқуқларини яхши билмаслигини коррупциявий муносабатлар пайдо бўлишининг асосий сабаблари сифатида кўрсатган. Ёки ёшлар ўртасида ўтказилган сўровномада атиги 51 фоиз респондентларгина коррупциянинг моҳиятини тўғри тушунишини таъкидлаган.

Тегишли қарорнинг қабул қилиниши натижасида эса бундан буён нафақат давлат хизматчилари, балки аҳолининг барча қатламлари учун уларнинг ёши, малакаси, даражаси, лавозимига мос равишда ўқитиш тизими яратилади. Масалан, мазкур платформа орқали ҳар қандай фуқаро мутлақо бепул асосда коррупцияга қарши курашиш бўйича базавий билимларини мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчилари ва талабалари, табиийки, давлат хизматчилари учун алоҳида махсус курслар ҳам ташкил этилади. Энг муҳими, барча ўқув дастурлари ягона платформа — “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси”да амалга оширилади. Ушбу платформа 2025 йил 1 январдан ишга туширилади.

Виртуал академияда ўқув фаолиятини ташкил этиш ва юритиш Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси томонидан амалга оширилади. Агентлик ўқитилиши лозим бўлган давлат хизматчилари контингентини шакллантиради.

### Илмий тадқиқотлар коррупцияни жиловлашга йўналтирилади

Қарор билан нафақат коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш тизими жорий этилмоқда, балки коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган илмий тадқиқотларни тизимли ва самарали ташкил этиш масалалари ҳам назарда тутилмоқда. Жумладан, агентлик томонидан олий таълим ва илмий-тадқиқот ташкилотлари учун коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилиши мумкин бўлган тавсиявий йиллик илмий тадқиқот мавзулари шакллантириб борилади. Барча олий таълим ва илмий тадқиқот ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширган илмий тадқиқотлари натижаларини агентликка тақдим этиб бориш амалиёти йўлга қўйилади. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида эришилган ютуқлар, миллий ва хорижий тажриба, илмий, услубий ва амалий ишланмалар ҳамда илмий тадқиқот ишлари бўйича электрон маълумотлар базасини юритиш тартиби жорий этилади. Агентлик ва академия соҳадаги илмий тадқиқотларни мақсадли ва сифатли амалга ошириш, натижаларини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига таклифлар киритиб боради.

Мазкур нормаларнинг амалиётга жорий этилиши орқали коррупцияга қарши курашишга илмий ёндашув янги босқичга олиб чиқилади, шунингдек, илм-фан ва амалиёт уйғунлиги таъминланади. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларини оммалаштириш, улардаги таклифлар, тавсиялар, янги ғоя ҳамда механизмларни қонунчилик ва амалиётга жорий этиш имконияти яратилади.

Яна бир муҳим жиҳат: ушбу платформада жамоатчилик назорати субъектлари, яъни оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ҳам коррупцияга қарши курашиш, давлат харидлари, очиқ маълумотлар билан ишлаш, журналистик суриштирувлар ўтказиш каби мавзуларни қамраб олган махсус курсларни ишлаб чиқиш режалаштирилган. Бу эса, ўз навбатида, жамоатчилик фаоллари ва журналистларнинг бу жараёнда янада самарали фаолият юритишига кўмаклашади. Демак, эндиликда Ўзбекистонда аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билим ва кўникмаларини узлуксиз ошириб бориш тизими жорий этилади. Бу эса жамиятда коррупция иллатига нисбатан муросасизликни кучайтириш, аксилкоррупциявий ислоҳотларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳамда кафолати экани билан янада аҳамиятли.

**Акмал БУРҲОНОВ,**
**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори.**

## ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

### Малайзия — Ўзбекистон бизнес кенгаши таъсис этилди

*Мамлакатимизнинг Малайзиядаги элчихонасида Малайзия — Ўзбекистон бизнес кенгашининг биринчи таъсис мажлиси бўлиб ўтди.*



Мазкур Кенгаш алоҳида ташкилот сифатида Малайзия Бош вазири Анвар Иброҳимнинг шу йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи давомида эришилган келишувлар ижросини таъминлаш ва ҳар иккала мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, туризм ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришда малайзиялик ва ўзбекистонлик тадбиркорларга яқиндан кўмак бериш мақсадида тузилди ва давлат рўйхатидан ўтказилди.

Тадбирда Кенгаш ижро қўмитаси раҳбарияти ва аъзолари тайинланди. Жумладан, Кенгаш раиси этиб Малайзиянинг “FIVE Petroleum” компанияси бош ижрочи директори Кинг Лим, вице-президент лавозимига “KK Group” компанияси раҳбари Ки Кан Чай, бош котиб вазифасига АСЕАН савдо-саноат палатаси президенти Шахадан Сохайми номзодлари тасдиқланди.

Кенгаш ижро қўмитаси аъзолари сони Малайзиядан 12 киши бўлиб, унга ўзаро лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида ёрдам бериш учун ўзбек томонидан 12 та етакчи компаниялар вакилларини ҳам таклиф қилиш кўзда тутилган.

### Кенг қамровли стратегик шериклик истиқболлари

*Бишкек шаҳрида “Қирғизистон ва Ўзбекистон — кенг қамровли стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш” мавзуида анжуман бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Қирғизистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий стратегик ташаббуслар институти томонидан ташкил қилинди.*

Тадбирда икки мамлакат вазирлик ва идоралари, эксперт-таҳлилий марказлари ва илмий-академик доиралари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Макроиқтисодий ва минтақавий тадқиқотлар институти, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази, Марказий Осиё халқаро институти, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарлари қатнашди.

### Хоразм делегацияси — Истанбулда

*Ўзбекистон Бош консулхонаси кўмагида Хоразм вилояти ҳокимлиги делегациясининг Туркиянинг Истанбул шаҳрига ташрифи ташкил этилди.*

Ташриф давомида Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Раҳимов ва Туркия Ташқи иқтисодий алоқалар кенгаши бошқарув кенгаши аъзоси Фатиҳ Меҳмет Кечебир ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Шунингдек, ҳар икки минтақа ишбилармон доира вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирда Хоразм вилоятининг иқтисодий, инвестициявий ва туризм салоҳияти ҳақида батафсил сўзлаб берилди.

Хоразмда фаолият олиб бораётган турк инвесторлари ўз чиқишларида Ўзбекистонда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ва ўз тажрибалари ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Бундан ташқари, икки давлат тадбиркорлари, ҳокимият вакиллари ва дипломатлар иштирокида “B2B” ва “B2G” форматида музокаралар уюштирилди.

### Осиё кубогига йўлланма

*Тошкентда спортнинг армрестлинг тури бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақаси ўтказилди.*



Унда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академиясининг ўнга яқин курсантлари ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой эгаллади.

Мусобақанинг якуний натижаларига кўра академия курсантлари Ислом Ибодов биринчи, Достон Ҳамроқулов, Жамшид Кенжаев иккинчи, Оламгир Амонов ва Абдулазиз Абдумўминов учинчи ўринни қўлга киритди.

Ушбу мусобақада фахрли биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган совриндорлар Осиё кубоги мусобақасига йўлланма олди.

**«Халқ сўзи».**

**Самарқанд вилояти ҳокими Э. Турдимов Россия Федерациясига амалий ташрифи давомида Пенза вилояти губернатори О. Мельниченко билан учрашув ўтказди.**

# УЛУҒВОР ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ ЖЎШҚИН МУЛОҚОТЛАР



*Ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани навқирон авлод келажагини белгиловчи кўплаб имкониятлар, шарт-шароитлар яратилишига пухта замин ҳозирламоқда. Жумладан, ёш ижодкорларни излаб топиш, уларнинг истеъдодини қўллаб-қувватлашда маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловларнинг аҳамияти катта бўляпти.*

*Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Истеъдод мактаби" республика ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинари жорий йилнинг 5 июль куни навбатдаги мавсумини якунлади.*

## Семинар

Кўҳна Зомин туманининг Ўриклисой дарасида ўтказилган анжуманда миллий адабиётимизнинг етук адибларидан уч кун давомида маҳорат сабоқлари олган ёш ижодкорларнинг ҳайратлари, шодликлари ўзгача.

Ёшлар семинар давомида Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли мунаққид Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ шоирлари — Сирожиддин Саййид, Усмон Азим, Маҳмуд Тоир ва бошқа таниқли ижодкорлардан шеър илми сабоқларини олган бўлса, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Кенгесбой Каримов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошев, таниқли адиб Шойим Бўтаев каби қатор носирлардан наср йўналишининг сир-синоатлари ҳақида билимларга эга бўлишди.

Адабиётшунос олимлар Қозоқбой Йўлдошев, Сувон Мели ва Нурбой Жабборовнинг адабий танқид ҳақидаги фалсафий қарашлари, ўгитлари бўлажак мунаққидлар олдига адабиёт нима, унинг таҳлили, талқини қандай бўлиши керак, каби ўйлантирувчи саволларни қўйдики, ёш мунаққидлар Ватан адабиёти олдидаги улкан, залварли масъулиятни янада теранроқ англаб етдилар, назаримизда.

Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг айтган қуйидаги гаплари ёш авлодга қаратилган умид ва ишонч туйғуларининг салмоғини янада теранроқ англатгандек бўлди:

"Бу адабий анжуман, тарихий, адабий, инсоний, ижодий қимматга эга. Чунки ҳаммаларингизнинг қалбингизда биринчи китобларингиз, биринчи достонларингиз, биринчи ҳикояларингиз ҳозир жаранглаб турибди. Мен буни ҳис қилиб турибман.

Бу ерда жуда катта улуғ ижодий руҳ — сизнинг ўқиётган, муҳокама қилаётган асарларингиз туфайли ўзбекнинг ижодий руҳи — навоийларнинг, саккокийлар, лутфийлар, атойиларнинг, бобурларнинг руҳи кезиб юрибди сизнинг қиёфангизда, сизнинг қадамингизда, сизнинг нафасларингизда.

Нима учун Президентимиз Шавкат Мирзиёев сизларнинг қиёфангизда Ўзбекистоннинг келажагини ва нажотини кўряпти? Булар қуруқ гап эмас. Бу ерда айтилиб, қолиб кетадиган, топталиб кетадиган сўзлар эмас. "Ўзбекистоннинг келажаги, Ўзбекистоннинг нажоти, Ўзбекистоннинг кўрар кўзи, Ўзбекистоннинг эшитар қулоғи, Ўзбекистоннинг уриб турган юраги", деган сўзлар сиз учун айтилган ва сиз бундан кейин қўядиган ҳар бир қадамингизда, ижодий йўлларингизда буни исботлаб, халқимизга қадамба-қадам туҳфа қилиб борасиз".

Таржима борасидаги маҳорат дарсларида ҳам аён бўлдики, бугунги ёшлар бу жараёнга дадил кириб келмоқда.

— Кузатишларим шуни кўрсатмоқдаки, бугун юртимизда ёш мутаржимлар сони тобора кўпайиб бормоқда, бу жуда қувонарли ҳолат, албатта. Уларнинг кўпчилиги чет эл адабиётидан ўзбек тилига таржималар қилаётгани ҳолда ўзбек адабиёти намуналарини жаҳон тилларига ўгирувчи ёш ижодкорлар сони ҳам ортиб бораётгани ундан-да кўпроқ мамнун этади, — дейди таржима йўналишидаги ҳакамлар ҳайъати аъзоси, бадиий таржимон Бегойим Холбекова. — Бу йил семинарда қатнашаётган ёшларнинг интилишлари, изланишлари таҳсинга лойиқ. Тўғри, уларнинг таржималарида жузъий камчилик ва нуқсонлар етарлича, аммо улардаги журъат, ёшлик шижоати ҳавас қиладиган даражада баланд. Шу шижоат тарк этмаса, улардан келажакда етук мутаржимлар етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

Устоз таржимонларнинг ўгитларини жон қулоғи билан тинглаётган, ўз фикр-мулоҳазаларини тортинмай баён қилаётган ёшлардан бири, Андижон давлат чет тиллари институти магистри Абдуллажон Рўзиевга "Зомин семинари ҳақидаги таассуротларингиз қандай?" қабилидаги одатий савол билан мурожаат этамиз.

— Мен Зомин тоғлари, деганда доимий кўриб одатланганим — Андижон ва Тошкент оралиғидаги кўзга ташланадиган тоғлар қиёфасини тасаввур қилар эдим. Граминга келгач, кўрдимки, адабий анжуман учун бежиз бу ер танланмаган экан. Бу жойларнинг табиати ўзгача фусунли, ҳавоси ниҳоятда мусаффо. Ўриклисойнинг тиниқ мавжларида адабиётга ошно дилларнинг беғубор, бегидир жилвалари тўлқинланаётгандек таассурот уйғотади. Бу ерда қалам аҳли ҳузурланиб ижод қилиши учун илоҳий руҳ кезиб юргандай гўё.

Семинарнинг энг муҳим жиҳатларидан бири таниқли устоз адибларнинг сабоқлари бўлди. Университетдаги одатий дарслардан фарқли ўлароқ бу ерда устозлар ҳар бир иштирокчи ижоди устида кенгроқ фикр юритиб, ютуқларимиз, хато-камчиликларимиз таҳлил қилинди, билмаганларимиз билдирилди, ҳали ўз устимизда яна кўп ва хўп ишлашимиз кераклигини англадик. Том маънода мана шундай ижодий мактаб бўлган анжуман бизни юксак парвозлар сари чорлади.



Ўз билимимизга, ижодий кучимизга ишонч туйғуларимизни мустаҳкамлади.

Дарҳақиқат, бу ерга тўпланган ёшларнинг чанқоқ нигоҳларида, чарақлаган кўзларию ярақлаган юзларида мамнунлик барқ уриб турибди.

Анжуманнинг тантанали ёпилиш маросимида иштирокчиларга семинар статуэткаси, сертификат, сўнгги русумдаги телефон, пул мукофотлари ва китоблар жамланмаси топширилди.

* * *

Ижод аҳлига нима керак?..

Баланд кўнгил ва жўшқин илҳом булоғи керак.

Зоминнинг улуғвор тоғлари бағрида, ям-яшил арчазорларнинг хушбўй тароватида, Ўриклисойнинг шарқираб оқаётган зилол сувлари мавжларида ана шу манба яширингдек, гўё...

Семинар иштирокчиларининг кўзларидаги ҳайрат ва сўзларидаги қудрат ёшлик шиддатию нафосатига ҳамоҳанг тарзда жаранглаганига гувоҳ кўнгиллардан шундай ўйлар ўтса, не ажаб.

Адашмадингиз, "Зомин мактаби" деб ном олган, йил сайин ёш шоир ва ёзувчиларни кашф этаётган, уларга қанот бераётган Республика ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинари эзгу сўз айтишга чоғланиб, қўлига қалам олган ёш қаламкашлар юрагига қулоқ тутди.

Ўриклисой мавжларига уйғун қалблардан шеърлар қўшиқдай янгради. Зоминнинг улуғвор тоғларидан улгу олган қалблар юксалди, кўнгиллар сойнинг тиниқ сувларидек покланди.

Жаннатмонанд ўлканинг зилол булоқларидан тўйинган ёш кўнгиллар келажак уйларини қуриш учун нурли манзиллар сари йўл олдилар.

Айтгандек, кеч пайти телефон қўнғироғи бўлиб қолди. Қарасам, Бахмал туманидан семинарда иштирок этган ёш публицист Озода Ҳабибуллаева экан.

— Устоз, уйга бир олам совғалар билан кириб келдим, — дейди у ҳаяжон билан. — Бизга берилган совғалар орасида пул мукофоти ҳам борлиги нур устига нур бўлибди. Мен уйга қайтаётиб, Жиззах шаҳридаги дўконга кириб, мукофотга олган пулимга чангютгич харид қилдим. Ёш рўзғор бўлганимиз учун ҳеч шунга пул етказа олмаётгандик. Кўнглимдаги унча-мунча ғуборлар Зомин ҳавосида ювилиб кетган бўлса, энди уйим ҳам чанг-ғуборлардан янада фориғ бўладиган бўлди.

Гўшак ортидаги ҳаяжонли овоздан таралаётган нур тўлқинлари менинг ҳам юрагимга туташиб кетди, гўё...

**Меҳрибон АБДУРАҲМОНОВА («Халқ сўзи»).**

## Китоб жавонингизга

### «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»



*Атоқли адиб Хайриддин Султоннинг ушбу китоби икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимдан жой олган "Ишонч телефони" қиссасида ҳаётда чиндан ҳам юз берган, муаллиф бевосита гувоҳи бўлган воқеа-ҳодисалар, ён-атрофимизда яшаётган, тарихи ва тақдири бир-бирига ўхшамайдиган инсонларнинг турфа характерлари, руҳий кечинмалари, дарду армонлари ўзига хос шартли шаклда ифода топган.*

Асарнинг асосий қаҳрамони — "Ишонч телефони" оператори Моҳидил Исматова. Унга турли тоифадаги кишилар қўнғироқ қилиб, бошларидан ўтган воқеаларни сўзлаб беришади. Шу мулоқотлар орқали ҳаёт аталмиш мураккаб жараён, чигал, қизиқарли тақдирлар ўқувчи кўз олдида намоён бўлади.

"Ишонч ёрлиқлари" деб номланган иккинчи бўлимда эса ижодкор дўстларининг янги изланишлари сабаб адиб қалбида туғилган таассуротлар ҳамда устозлар ёди билан боғлиқ хотиралар жамланган.

### «ТАРАҚҚИЁТ ТОНГИ»



*Ушбу илмий-маърифий мақолалар тўплами Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Баҳодиржон Шермуҳаммадов қаламига мансуб.*

Унда янги Ўзбекистон шароитида, учинчи Ренессанс пойдевори барпо этилаётган паллада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларга муносабат тарзида эълон қилинган таълим-тарбия, миллий мафкура, тил ва адабиёт, тарих ҳамда сиёсатга доир мақолалар жамланган. Мақолаларда мазкур соҳаларда амалга оширилган бугунги куннинг муҳим ижтимоий-сиёсий ислоҳотлари муаллифнинг шахсий қарашлари, ҳаётий тажрибалари амалий фаолияти натижалари асосида таҳлилга тортилади, муаммо ва ечимлар хусусида фикр юритилади.

Мазкур тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

### «ОДАМИЙЛИК СИЙРАТИ. БОЙБЎТА ДЎСТҚОРАЕВ ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА»



*Ушбу китобда атоқли ижодкор, кўплаб журналистларга устоз бўлган Бойбўта Дўстқораевнинг ибратли ҳаёти, ижод йўли, машаққат ва заҳматларга тўла фаолияти, илмий изланишлари ҳақида батафсил сўз юритилган.*

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида талабаларга дарс берган Бойбўта Дўстқораев айни пайтда жадидлар тарихи, мамлакатимизда бу ҳаракатнинг шаклланиши асослари ҳақида илмий тадқиқотлар ҳам олиб борган.

Олим изланишлари самараси бўлган "Ўзбекистон журналистикаси тарихи" китоби учун "Олтин қалам" миллий мукофотига ҳақли равишда муносиб кўрилди. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвонига сазовор бўлди.

Китобда атоқли адиб, журналистлар, олимлар, шоирларнинг Бойбўта Дўстқораев ҳақидаги ҳаётий ва ҳаққоний хотиралари жамланган. Айни пайтда кўплаб шогирдларининг самимий ёдномалари ҳам ушбу тўпламдан жой олган.

**«Халқ сўзи».**

# ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ ВА ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

*Мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда, жамиятда фаоллигини таъминлашга қаратилган ишлар тизимли амалга оширилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида бугун янги Ўзбекистон ёшлари мамлакатни модернизация қилишга қаратилган жадал ва кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва фаол иштирокчиси сифатида майдонга дадил чиқмоқда.*

## Мушоҳада

### Замонавий касб соҳиблари ҳар жойда қадрли

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида ёшлар сиёсатига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган таклифлар ҳамда ёшлар билан мулоқотда уларга тақдим этилган имтиёз ва рағбатлар келажагимиз бунёдкорларининг жамиятда, оилада муносиб ўрин эгаллашларига зарур шарт-шароит яратади.

Бунда, аввало, ёшлар сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бўлган — бандлик чора-тадбирларини рўёбга чиқариш ғоятда жиддий ва пухта ёндашувни талаб этади. Негаки, бугунги глобаллашув жараёни меҳнат бозори талабларини бирмунча қатъийлаштирмоқда. Буни англаган ҳолда, хорижий тилларни чуқур ўрганиш, рақамли технологиялар ва саноатнинг замонавий тармоқлари бўйича ихтисосликларни эгаллаш, илмий ҳамда ижодий кўникмаларни ривожлантириш йигит-қизларимизнинг эзгу мақсадига айланган ва бу йўлда изланаётганлар сафи тобора кенгаймоқда.

Бироқ кундалик ҳаётда турли ижтимоий ва моддий қийинчиликларнинг асосий негизи бўлган ишсизлик муаммоси билан тўқнаш келаётган ёшлар сони ҳам, афсуски, оз эмас. Бу муаммо нафақат ривожланаётган, балки тараққий этган давлатларда ҳам жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотига кўра, жаҳонда йигит-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси катта ёшлиларга қараганда уч баравар кўпроқ. Экспертлар 2024 йилда глобал ишсизлик ва ижтимоий тенгсизлик даражаси ортишини башорат қилаётир. Рақамларда келтирилишича, ишсизлар армияси яна икки миллион нафарга ошади, бу эса глобал ишсизлик даражаси 5,2 фоизга етишига олиб келади. Бинобарин, 2023 йилда юқори даромадли мамлакатларда ишга талабгорлар улуши 8,2 фоизни, кам даромадли мамлакатларда эса бу кўрсаткич 20,5 фоизни ташкил этган. Юқорида айтилганидек, ишсизлик инқирозидан азият чекаётган асосий қатлам одатдагидек ёшлар бўлиб қолмоқда.

Мана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда ёшлар ўртасида бандлик даражасини ошириш, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини кафолатлаш борасида муҳим чора-тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда.

Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, ёшларни катта даромад келтирадиган касбларга ўргатиш, юқори қўшилган қиймат яратадиган лойиҳаларни кўпайтириш бўйича катта ўзгаришлар амалга оширилишини қайд этди. Мисол учун, эндиликда IT соҳасида ўзини ўзи банд қилган ёшларга IT-парк резиденти мақоми берилади. Улар уч йил муддатга барча солиқдан озод қилинади. Ёшларни ушбу соҳага жалб қилиш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади.



Қолаверса, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ёшлар тадбиркорлиги жамғармаси Ёшлар агентлиги тизимига ўтказилиши, энг кўп иш ўрни яратган, фидойи ёш тадбиркорлар жамғарма кенгашига кириши ва жамғарма раҳбарини ҳам ушбу йигит-қизларнинг ўзи сайлаши назарда тутилгани таҳсинга сазовор.

Мамлакатимиз етакчиси томонидан илгари сурилган мана шундай истиқболли вазифалар ёшлар меҳнат миграциясида кузатилаётган турли салбий ҳолатларга ҳам узил-кесил ечим бўлиши муқаррар. Бинобарин, ёшлар ноқонуний мигрант сифатида ўзга юртларга камситишлару ҳуқуқсизликдан ҳимояланмаган бир шароитда меҳнат қилиш учун отланмайди. Хорижий тилларни, замонавий касбларни ўзлаштирган йигит-қизлар халқаро меҳнат бозорида рақобатбардош интеллект эгалари сифатида қадрланади.

### Илм ва бизнес ўртасидаги мулоқот майдончаси

Бугун бутун инсоният янги давр — тўртинчи саноат инқилобига қадам қўймоқда. Бир пайтлар тасаввуримизга сиғмаган кашфиётлар эндиликда ҳаётимизда, турмуш шароитимизда кенг қўлланиляпти. Бунга барчамиз гувоҳмиз. Хусусан, барча соҳа ривожи учун татбиқ этилаётган рақамли технологиялар, дронлар, 3D принтерлар, қолаверса, ҳайдовчисиз ҳаракатлана оладиган автомобилларни бошқарувчи сунъий интеллект кабилар инсон омилини борган сари камайтириб, замонавий технологияларга асосланган келажакни барпо этишга хизмат қилмоқда.

Бизнинг ёшларимизда ҳам турли кашфиётларни амалга оширишда янги-янги ғоялар жуда кўп, билим ва салоҳият етарли. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, уларга фақат эътибор ва шароит керак. Президент бу бўйича янги ташаббусларни илгари сурган ҳолда мамлакат жадал ривожланиши учун бизга "тўртинчи саноат инқилоби" касблари жуда муҳимлигини қайд этди. Шу муносабат билан ёшларнинг физика, кимё, биология, технология, муҳандислик, математика билан боғлиқ касбларга қизиқишини ошириш учун янги тизим жорий этилиши маълум қилинди. Айтиш керакки, бу ёшларнинг мавжуд имкониятлардан янада унумли фойдаланишларини кафолатлайди.

Бундан ташқари, ҳудудларда "Креатив саноат парклари" ташкил қилиниши, ушбу парклар олийгоҳлар ва йирик ишлаб чиқарувчиларга бириктирилиши орқали ёш тадбиркорлар, илм ва бизнес ўртасида мулоқот майдончаси бўлиши режалаштирилгани диққатга сазовор.

Келинг, шу ўринда мазкур саноат паркларининг нечоғли заруратга эгалиги ҳақида фикрлашсак. Дастлаб, "креатив саноат" атамаси ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу аксариятимиз учун нисбатан янгилик, дейиш мумкин. Креативлик, деганда, биламизки, барча жабҳада ноодатий ёндашув хусусияти тушунилади. Тармоқларда ғоядан пул топишга асосланган мазкур фаолиятнинг асосий йўналиши эса креатив саноатдир.

Қайд этиш жоиз, кўпгина ривожланган давлатларда креатив соҳаларни ривожлантириш бундан бир неча йиллар аввал қўллаб-қувватлана бошланган. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожида ҳам аҳолини иш билан таъминлаш, ижодий қобилиятга эга истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда креатив тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш зарурати ортиб бормоқда.

Шу боис юртимизда креатив саноатни юқори ривожланиш даражасига олиб чиқишда муҳим чора-тадбирлар кўрилаётир. Масалан, ёшларга мактаб давридан бошлаб, креатив тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқиляпти. Ушбу таълим дастурларини янада кенгайтириш тадбиркор ёшлар фаолиятини самарали ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, аксарият ҳудудларда ёшларнинг иқтидорини рўёбга чиқаришга хизмат қилаётган технопарклар, саноат зоналари очилаётир. Натижада юртимизда стартаплар тобора кенг жорий этилиб, оммалашиб бормоқда. Мисол учун, 205 та "Ёшлар саноат зонаси"да 2,5 триллион сўмлик 1,2 минг лойиҳа ишга туширилгани эътиборга молик.

### Барчага тааллуқли вазифа

Давлатимиз раҳбари бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кенгайтириш мақсадида муҳим ташаббусларни илгари сурдики, бу ёшларнинг илғор ғояларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Жумладан, магистраль йўллар бўйида 50 мингта кўчма савдо нуқтаси ташкил қилиниб, ёшларга ижарага берилади. Дастлабки 6 ойда ижара ҳақи ва солиқдан имтиёз берилиши эндигина бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган йигит-қизларга катта рағбат бўлади. Қолаверса, деҳқончиликни янгидан бошлаган ёшларга тажрибали фермерлар ва уста деҳқонлар масъул қилиниб, сердаромад ҳамда экспортбоп маҳсулотлар етиштиришга ўргатилади.

Креатив индустрияни ривожлантириш бўйича қонун қабул қилиниши эса соҳанинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришда парлементарийлар олдида масъулиятли вазифа турганини англатади. Ўз навбатида, қонунчилигимиз ёшлар учун зарур имконият ва имтиёзлар билан янада устувор аҳамиятга эга бўлади.

Албатта, буларнинг барчаси ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз. Бинобарин, сўнгги тўрт йилда ушбу йўналишдаги тажриба ўзининг натижадорлигини кўрсатдики, буни рақамлар ҳам тасдиқлайди. Хусусан, шу давр мобайнида "Оилавий тадбиркорлик" дастурлари доирасида 13,5 трлн. сўм кредит ажратилиб, 1 миллион ёшнинг бандлиги таъминланди. Бизнесини "ноль"дан бошлаб, ҳозирда айланмасини миллион доллардан оширган 1,5 минг нафар ёш тадбиркор сифатида фаолият юритаётгани кишини қувонтиради.

Демак, мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар эртамиз эгаларини касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ кўплаб масалаларни ҳал этиш имконини бераётир.

Ўз навбатида, юқорида белгилаб берилган ташаббусларнинг жойларда, энг чекка ҳудудларда ҳам тўлақонли ижро этилишида депутатлар корпуси ҳам фаол иштирок этиб, парламент ва депутатлик назоратини самарали ўрнатади. Зеро, ёшлар масаласида масъулият билан ёндашиш ҳар биримизнинг асосий вазифамиздир.

**Иномжон ИСРОИЛОВ,**
**Тошкент давлат аграр университети доценти,**
**қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.**

**Алматида кадетлар ўртасида дзюдо бўйича ўтказилган Осиё кубоги мусобақасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 6 та олтин, 7 та кумуш, 16 та бронза медали билан умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 12 561 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5 6